

**Худайбердиев А.А.**

*Жиззах политехника институти,*

*“Умумтехника фанлари” кафедраси доценти, т.ф.н.,*

*ТУРОН ФА академиги.*

## **ПАХТА ЧИГИТЛАРИНИ САРАЛАШ-ҚОБИҚЛАШ-ҚУРИТИШ МОСЛАМАСИ**

**Аннотация.** Мақолада уруғларни қобиқлаш-қуритиш мосламалар анализ қилиниб камчиликлари кўрсатилиб инновацион схемаси таклиф қилинган. Таклиф қилинаётган мосламанинг олдинги варианtlарга нисбатан ижобий тарафлари баён қилинган.

**Калит сўзлар.** Барабан, ўсимлик уруғи, зааркунанда, қобиқлаш, стимулятор, редуктор, резина қобиқ, қуритгич, электр чўлғам.

***Khudaiberdiev A.A.***

*Jizzakh Polytechnic Institute,*

*Associate Professor of the Department of "General Engineering  
Sciences", Ph.D.*

*Academician of TURON FA.*

### **COTTON SEED SORTING-SHEERING-DRYING DEVICE**

**Annotation.** The article presents an analysis of known pans and drying plants and their disadvantages. The positive aspects of the proposed scheme compared to the previous ones are shown.

**Keywords.** Drum, seeds, pest, pelleting, stimulator, reducer, rubber shell, dryer, electric distributor.


Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини тайёрлаш технологияси икки қисмдан иборат, яъни қобиқлаш ва

қуритишдан. Биз таклиф қилаётган қурилмада иккала жараённи бирданига амалга ошириш мумкин. Қурилма қишлоқ хўжалигига яъни ўсимлик уруғларини қобиқлашда ишлатилиши мумкин. Тарелкасимон барабан турдаги қобиқлаш қурилмаларнинг хар хил вариантлари мавжуд. [1].

Мавжуд қурилмаларнинг ишлаш принципи қўйидагича. Тарелкасимон барабан горизонтга нисбатан маълум бир бурчак остида ўрнатилган ва унга юклаш транспортери ёрдамида кераклича уруғ юкланди. Барабан айланма харакатга келтирилиб, унинг ичидаги харакатланаётган уруғлар сепгич ёрдамида елимли ва стимуляторли суюқлик билан намланади. Уруғлар юзаси бир текис намлангандан кейин, уларга касалликлар ва зааркундаларга қарши кимёвий дорилар билан ишлов берилади. Уруғлар юзаси силлиқланиб думалоқ шаклга эга бўлганда, технологик жараён тўхтатилиб қуритиш жараёни бошланади.

Юқоридаги қурилманинг камчилиги шундан иборатки уруғ устига суриладиган элементлар уруғ юзасида бир хил қалинликда ёпишмайди, чунки у хар доим ёнидаги бошқа уруғлар таъсирида булади, бу эса уруғ сиртида бир хил кимёвий элементлар ёпишишига халақит беради. Шу сабабли уруғ сирти хар-хил қалинликда бўлиб қолади, бу эса уруғ ерга қадалганда ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, уруғнинг юпқа қатлами томонидан касалликлар таъсир қилиши мумкин.

Биз таклиф қилаётган мослама қўйидагича ишлайди (шакл 1).



Шакл-1. Ўсимлик уругини саралаш-қобиқлаш-қуритиш ускунаси.


1-бункер, 2-уруғлар, 3-тақсимлагич, 4-транспортер лента, 5-элак, 6-вибратор, 7-кулачок, 8-бункер, 9-вентилятор, 10-трубалар, 11-туйнук, 12-туйнук, 13-туйнукли бункер, 14-идиш, 15-резервуар, 16-насос, 17-пурқагич, 18-қобиқлаш бункери, 19-қопқоқ, 20-қуригич, 21-резина қобик, 22-ғилдиракчалар, 23-тишли ғилдирак, 24-кичик ғилдирак, 25-редуктор, 26-электродвигатель, 27-таянч, 28-резинали лапкалар, 29-вал, 30-резина пластинка, 31-редуктор, 32-электродвигатель, 33-вентилятор, 34-ҳавони қиздирувчи электр чўлғами, 35-бункер, 36-қопчиқ.

Цилиндрисимон қуригич 20 горизонтга маълум бурчак остида шарнирли ғилдиракчаларга 22 ўрнатилган бўлиб унинг устки қисми тишли ғилдирак билан қопланган 23. Электродвигатель 26, редуктор 25, кичик ғилдирак 24 орқали харакат тегишли ғилдиракка 23 узатилади ва қуригич айлана бошлайди. Электродвигатель қўзғалмас таянчга 27 маҳкамланади. Вентилятор 33 орқали ҳаво иситгичлардан 34 ўтиб қуригич ичига урилади. Электродвигатель 32, редуктор 31 орқали вал 29 айланма харакат қиласи. Валга резинасимон пластинкалар ўрнатилган, уларнинг вазифаси юқоридан, яъни қуригичнинг юқори қисмидан тушаётган уруғларни илиб олиб охиста пастга тушириб қуишидир. Вал қуригичга 20 нисбатан тескари йуналишда айланади, бу уруғларнинг инерция кучи билан

деворларга урилмаслигини кафиллади. Қуригичнинг ичидағи температура маълум даражага еткач, бункердаги 1 жойлашган уруғлар 2 тақсимлагич 3 бўйича траспортёр лента 4 орқали тешикли элакка 5 тушади. Элак вибратор 6 орқали силкитилиб туради, яъни калибровка қилинади. Кераксиз размердаги уруғлар пастга бункер 13 орқали идишга 14 тўпланади. Кулачок 7 хар замонда элакни силкитиб юқорига уради, элак 5 қўзғалмас таянчга урилгач, элакнинг ячейкаларида қисилиб қолган уруғлар ўзларининг инерция кучлари таъсирида тиқилиб қолган жойларини тарқ этишади. Ўлчамлари бўйича сараланган уруғлар бункерга 8 туша бошлайди. Бункернинг пастки қисмидан вентилятор 9 ва трубалар 10 орқали юқорига маълум босим остида ҳаво юқорига юборилади. Бу босим шундай танланадики у нормал уруғларни туйнук 12 орқали пастга, пуч уруғларни туйнук 11 ва туйнукли бункер 13 орқали идишга 14 жўнатилади. Сараланган уруғлар қобиқлаш бункерига 18 туша бошлайди. Резервуар 15 керакли эритма насос 16 ёдамида пуркагич 17 билан ҳаводаги уруғлар пуркаланади. Шуни таъкидлаш керакки уруғлар бу бункерда тезлик билан пастга тушиб кетмайди, қандайдир парашютда тушгандек аста тушишади, чунки қуригичнинг 20 ичидан чиқаётган иссиқ, нам ҳаво юқорига шу бункер орқали кўтарилади. Чунки цилиндросимон қуригичнинг бу томони қопқоқ 19 билан ёпилган, шу сабабли бу ердан чиқаётган ҳаво уруғларнинг секин тушишига ва бу вақт мобайнида пуркаланади 18 элементлар билан бир текис беланиб олишга ва шу билан бирга қуриш процессини хам бошлашга имкон беради.

Зарур кимёвий элементлар билан бўланган маълум бир холатда қуришни бошлаган, аммо намлиги бўлган уруғлар 18 бункернинг пастки қия қисмидан қуригич ичига туша бошлайди. Уруғлар аввал резина пластинкаларга 30 тушади, у эса уруғларни қуригичнинг пастки қисмига тушириб қуяди. Бу пластинкалар 30 уруғларнинг талофат қўрмаслигини

таъминлайди. Улар валга 29 ўрнатилган бўлиб охиргиси электродвигатель 32 ва редуктор 31 орқали айланма харакатни олиб қуригичча нисбатан тескари айланади. Бунинг сабаби шундан иборатки пастдаги уруғларнинг қуригичнинг ички деворига ўрнатилган резинали лапкалар 28 (шакл 2) юқорига кўтариб олиб боради ва юқори нуқтага етар-етмас тўкиб ташлайди, бу холат вентилятор 33 ва иситгич 34 келаётган иссиқ ҳавонинг иситиш эфектини кучайтиради, яъни иссиқ ҳаво уруғнинг бутун сирти бўйича таъсир этиб бир хил ва тез қуришини таъминлайди.



Шакл-2. Ускунанинг А-А кўриниши.

20-қуригич, 21-резина қобик, 22-ғилдиракчалар, 28-резинали лапкалар, 30-резина пластинкалар.

Лапкалар бир айланада маълум масофаларда бир хил бурчак остида L узунлиги бўйича эса оралари очиқ холда жойлаштирилади. Қуригич 20 ички томонидан резина қобик 21 билан ўралади. Бу уруғларнинг талофатини камайтиради. Қуригичнинг 1 масофасида лапкалар ва резина пластинкалар бўлмайди. Бу қисмга келгунча уруғ тайёр холда қобиқланган бўлади ва қуригичнинг қиялиги ҳисобига уруғлар бункер 35 орқали қопга 36 йифилади.

Хулоса қилиб айтганда бу мослама ёрдамида уруғ калиброка қилинади, сараланади, пастдан бериладиган ҳаво оқими ҳисобига пуркаланган кимёвий элементлар уруғнинг сирти бўйича максимал тенг тақсимланади. Шу билан бирга элементлар уруғ сиртига ёпишаётган

пайтда қуригич ичидан чиқаётган иссиқ ҳаво таъсирида қуриш жараёни ҳам бошланиб кетади, бу эса ҳам элементларнинг уруғлик сиртига ёпишишиш процессини яхшилайди. Қуригичнинг ичидаги эса лапкаларнинг уруғларни тепага кўтариб пастга ташлаш натижасида иссиқ ҳавонинг хар томонлама уругга таъсири натижасида қуриш процесси яхши тугалланади.

### **Адабиётлар.**

1. А.С 1510745 Аппарат для дражирования семян. Рашидов Н, Хажиев А, Есиркепов Б, СССР Б.И – 1989 - №36.
2. Тухтақўзиев А., Худайбердиев А.А. Уруғнинг параболик элемент атрофидаги ҳаракати ва элемент параметларини аниқлаш.Международный научно-практический журнал “Экономика и социум” Выпуск № 6 (97) 2022. Стр 695-700.
3. Росабоев А.Т., Йўлдошев О.Исследование технологического процесса дражирования опущенных семян. III –Республиканская научно-техническая конференция “Проблемы внедрения инновационных проектов в производство “Джизак Стр. 253-256
4. Худайбердиев А.А. Кишлок хужалик техникаларини такомиллаштириш иктисадий асослари. Научное знание современности. Международный журнал. Выпуск №1 Казан 2020 13-15
5. Худайбердиев А.А. Уруғларни экишга тайёрлашнинг бугунги кундаги аҳволи. Жиззах политехника институти. Халқаро миқёсидаги илмий-техник анжуман материаллари “Ишлаб чиқаришнинг техник мухандислик ва технологик муаммолари инновацион ечимлари”. 2021 й.29-30 октябрь 2-қисм 873-876